

Абу Абдуллох Мухаммад ибн Исмоил Бухорий Бухорода таваллуд топди. Отаси шайх Исмоил ибн Иброхим ахли хадислардан бўлиб, бир оз тижорат ишлари билан ҳам шугулланган.

Имом Бухорий ёшлигида отадан етим колди. 10 ёшларида араб тили ва Хадис илмини кунт билан ўрганишга киришди. Бухоролик мухаддислар Мухаммад ибн Салом ал-Пойкандий (777–839), Абдуллох ибн Мухаммад Маснадий Жуъфий (вафоти 843)лардан Хадис илмини ўрганиб, кўп хадисларни ёд олди. 16 ёшида акаси Ахмад ва онаси билан хаж сафарида бўлди. Зиёрат асносида Балх, Багдод, Куфа, Басра, Дамашк, Маккаю Мадина шаҳарларида ҳам бўлди.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, мухофазаси ўткир олим эди. Ривоят килишларича, кайси бир китобни кўлга олиб, бир мартаба мутолаа килсалар, хаммаси ёд бўлиб колаверарди.

Имом Бухорийнинг ўз сўзига кўра, юз минг сахих (ишончли) ва икки юз минг гайри сахих (ишончсиз) Хадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: “Мухаммад ибн Исмоил Бухорийга маълум бўлмаган Хадис, албатта, ишончли Хадис эмастур” деган. Устозларидан Имом Ахмад ибн Ханбал Марвазий (780–855)нинг айтишича, “бутун Хуросондан Мухаммад ибн Исмоил каби олим чиккан эмас”.

Бухорий 20 ёшидаёк бир неча китоблар муаллифи сифатида машхур бўлди. Алломанинг “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурдоналари»), “Ал-Жомеъ ас-Сахих”дан ташкари яна йигирмага якин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган.

Имом Бухорий ўз ватани Бухорога кайтгач, бир мунча вақт толиби илмларга хадисдан дарс берган. 871 йили вафот этгач, Самарканд яқинидаги Хартанг кишлогида дафн этилган.

«АЛ-ЖОМЕЪ АС-САХИХ»дан

“ИЛМ КИТОБИ”дан

1-боб. Илм фазилати тўғрисида

Аллох таоло ояти каримасида: “Аллох сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллох килаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (“Мужодала” сураси, 11-оят), - дейилган. Яна бошка ояти каримада эса: “Эй, Раббим! Менга илмни зиёда эт! деб айтинг” (“Тоҳо” сураси, 114-оят) – дейилган...

4-боб. Хадис айтган одам (мухаддис)ни “бизга хадис айтди, хабар берди, хабар килди”, - деган сўзлар билан ифодалаш тўғрисида

Сахобалар ва тобеинлар (сахобаларнинг замондошлари) хадисларни ривоят қилишда “бизга хабар килди, айтди, фалончидан эшитиб гапириб берди, эшитдимки”, деган сўзлар билан ифодалаганлар. Масалан: Сахоба Ибн Масъуд хадис айтмоқчи бўлсалар: “Расулulloх (с.а.в.) бизга сўзлаб бердилар” ёки “Расулulloхдан эшитганман”, - деб гап бошлаганлар ва хоказо...

61-хадис. *Ибн Умар (рз.) айтадилар:* “Расулulloх (с.а.в.) сўрадилар, шундай бир дарахт борки, у мусулмонга ўхшаб баргини ташламайди. У қайси дарахт? Одамлар ўз ерларидаги дарахтларни бирма-бир айта бошладилар. Мен кўнглимда хурмо дарахти бўлса керак, дедим. Лекин айтгани уялдим. Улар Расулulloх (с.а.в.)дан айтиб беришни сўрашган эди, у зот: “У – хурмо дарахти”, - дедилар...

6-боб. Аллохнинг илм тўғрисида нозил қилган каломи

Аллох таоло ояти каримасида: “Эй. Раббим! Менга илмни зиёда эт! деб айтинг” (“Тохо” сураси, 114-оят), - дейди...

10-боб. Расулulloх (с.а.в.)нинг “Шояд, мандан эшитган одамдан кўра, кейин эшитган одам ёдида тутувчирок бўлса”, - деган сўзлари тўғрисида

67-хадис. *Расулulloх (с.а.в.)* жиловни бир киши ушлаб турган туя устида ўтирган холда ваъз айтдилар: “Бугун кайси кун?” – дедилар. Хаммамиз жим колдик ва бугуннинг бошка номини айтсалар керак, деб ўйладик. “Курбон хайити куни эмасми?” – дедилар. “Ха, шундай”, - дедик. “Бу ой кайси ой?” – деб сўрадилар. Хаммамиз жим колдик. Биз бу ойнинг бошка исмини айтсалар керак, деб ўйладик. “Зулхижжа оyi эмасми?” – дедилар. “Ха, шундай”, - дедик. Расулulloх дедилар: “Ўзаро кон тўкишингиз, талон-тарож килишингиз, обрўйингизни тўкишингиз, худди шу кун ва худди шу ойда ва шу жойда ёмонлик килиш кандай харом бўлса, шундай харомдир. Эшитганлар, эшитмаганларга шу хусусда етказсинлар! Чунки шу ерда бор кишилар ўзидан кўра хадисни ёдда саклайдиган кишига етказса, ажаб эмас”.

11-боб. Бир ишни килишдан хам, сўзлашдан хам аввал илм даркорлиги тўғрисида.

Аллох таоло ояти каримасида: “Бас, (эй, Мухаммад!) Аллохдан ўзга илох йўк эканини билинг” (“Мухаммад” сураси, 19-оят), - деган сўзини хам “бил” деган сўз билан бошлаган. Олимлар – пайгамбарларнинг меросхўрлари илмни пайгамбарлардан ўрганишади. “Кимки илм олган бўлса, пайгамбар (ас)дан тўлик мерос олибди”, - деган хадисда хам илм олиш кераклиги уктирилган. “Кимки илм истаб кадам кўйса, Аллох таоло унга жаннат йўлини осон килади”, - дейилади бошка хадисларда.

Аллох таоло ояти каримасида: “Бандалари орасида Аллохдан уламоларгина кўркарлар” (“Фотир” сураси, 28-оят), - дейилган. Иккинчи бир оятда: “(Лекин) уларни факат олимларгина англагайлар” (“Анкабут” сураси, 43-оят) – дейилган бўлса, бошкаларида: “Улар (кофирлар) яна: “Агар бизлар пайгамбар (сўзларини) тинглаб, акл юргизувчи бўлганимизда, дўзах ахлидан бўлмас эдик”, - дерлар” (“Мулк” сураси, 10-оят). “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!” (“Зумар” сураси, 9-оят) – дейилган.

Расулulloх (с.а.в.) “Кимгаки Аллох таоло яхшиликни раво кўрса, уни дин илмидан бахраманд килади, илмга илм олмок йўли билан эришилади”, - деганлар.

Сахоба Абу Зарр: “Агар килични мана бунга (бўйинга) кўйсангизу бўйнимни узиб юбормасингиздан аввал мен Расулulloхдан эшитган сўзларимдан бирортасини айтиб улгурмогим мумкинлигини билсам, айтиб олар эдим”, - деган эканлар.

Ибн Аббос “Куну раббонийа!”, яъни “Раббоний бўлинглар!” деган Аллох буйругини “Халим ва факих бўлинглар!” деб таржима килдилар. Имом Бухорий: “Раббоний дегани одамларни катта илмлардан аввал кичик илмлар билан тарбиялаган кишидир”, - деганлар.

12-боб. Расулulloх (с.а.в.)нинг одамларга малол келмасин деб, муайян кунларни илм ва ваъз айтиш учун белгилаб кўйганлари.

68-хадис. *Ибн Масъуд (рз) айтганлар:* “Расулulloх (с.а.в.) бизга малол келмасин деб, ваъз айтмок учун маълум кунларни белгилаб кўйган эдилар”...

69-хадис. *Расулulloх (с.а.в.).* “Осонлаштиринглар, кийинлаштирманглар! Хушхабар айтинглар, кизиктиринглар, нафратлантириб кўйманглар (ўзингиздан бездирманглар)!” – деганлар...

15-боб. Илмни фахмлаш (теран тушуниш)

72-хадис. Мужохид (рз) бундай деганлар: “Ибн Умар билан Мадинага бирга кетдим. Йўлда у Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан бирини айтиб берди. У бундай деди: “Расулulloх (с.а.в.)нинг ёнларида эдик, хурмо ёғи келтириб колдилар. Шунда Расулulloх (с.а.в.): “Дарахтлар орасида бир дарахт бордир, у мусулмонларга ўхшайди”, - дедилар. Мен: “Хурмо”, - демокчи бўлдим-у, лекин хаммадан ёш бўлганим учун индамадим. Расулulloх (с.а.в.)нинг ўзлари: “Бу хурмо дарахтидир”, - деб айтдилар.

16-боб. Илму хикматни орзу килмок

Хазрат Умар (рз) бундай деганлар: “Бошлик бўлмасингиздан аввал илмни чукур ўрганинг!

73-хадис. *Расулulloх (с.а.в.)нинг сахобалари ёшлари улгайганда хам илм ўрганганлар.* Расулulloх (с.а.в.): “Икки нарсадан ўзгасига хасад килиш жоиз эмас, бири – кишига Аллох таоло халол мол-дунё берса-ю, уни Хак йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси – кишига Аллох таоло илму хикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий макомга эришиб, хукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса”, - деганлар”...

18-боб. Расулulloх (с.а.в.)нинг “Илохи, бу йигитга Куръони каримни ёд олмокни ва уни (теран) тушунмокни насиб айлагин!” – деб дуо килганлар.

75-хадис. *Абдуллох ибн Аббос айтганлар:* “Жаноб Расулulloх (с.а.в.) мени кучоклаб туриб: “Илохи, бунга Куръони каримни ёд олмокни ва тушунмокни муяссар айлагин” – деб дуо килдилар”...

20-боб. Илм олиш ниятида сафар килиш.

78-хадис. Ушбу хадис билан Куръони каримда баён этилган Мусо (ас) билан Хизр (ас) киссаси хамохангдир.

21-боб. Илм ўрганиш ва ўргатишнинг фазилати

79-хадис. *Расулulloх (с.а.в.) айтганлар:* “Аллох таоло менга юборган хидоят (Аллох таоло бандаларига кўрсатган тўгри йўл йўлланма) сингари илк хам кўп ёккани ёмгирга ўхшайди. Баъъи ер соф, унумдор бўлиб, ёмгирни ўзига сингдиради-да, хар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстиради ва баъъи ер кургок, каттик бўлиб, сувни сингдирмасдан ўзида тўплайди, ундан Аллох таоло бандаларини фойдалантиради. Одамлар сувдан ичадилар, хайвонларини ва экинларини сугорадилар. Баъъи ер эса

текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайди, кўкати ҳам кўкартирмайди. Буларни қуйидагича қиёслаш мумкин: Бир киши Аллох илмини (исломни) теран ўрганади, теран тушуниб, ундан манфаатланади ва Аллох юборган хидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатади. Аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи бир киши мутақаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўъмин, иккинчиси фосик, учинчиси кофирдир”.

22-боб. Илмга эътиборсизлик ва нодонлик (жаҳолат)нинг авж олиши.

80-ҳадис. *Расулulloх (с.а.в.) айтганлар:* “Илмга эътиборсизлик, нодонлик, ичкиликбозлик ва зинокорликнинг оммавий тус олиши қиёмат аломатларидандир” (яна қ. 81, 5231, 5577, 6808).

81-ҳадис. *Анас (рз.) (охирги саҳоба):* “Мен силарга бир ҳадис айтиб берай. Мендан кейин буни сизга ҳеч қим айтиб бермайди. Расулulloх қуйидагилар қиёмат аломатларидир, деганлар”, - дедилар:

- илмнинг сусаймоги;

- жаҳолатнинг қучаймоги;

- зинонинг авж олмоги;

- хотинларнинг қўпаймоги;

- эрқакларнинг озаймоги; Хатто 50 нафар хотинга 1 нафар эрқакнинг бошчилик (эрлик) қилмоги”.

23-боб. Илмнинг фазилатлари хакида.

82-хадис. Расулulloх (с.а.в.) айтганлар: “Тушимда менга бир идишда сут келтирилди, конгунимча ичдим, хатто тирнокларимдан сут чикканини кўрдим”. Сахобалар сўрадилар: “Ё Расулulloх, сутни нимага йўйдингиз?” “Илмга”, - дедилар Расулulloх (с.а.в.)...

35-боб. Илм кандай йўколади? (кишилар дилидан илмнинг кўтарилиб кетиши тўғрисида).

Умар ибн Абдулазиз Абу Бакр ибн Хазмга бундай деб ёзган эди: “Расулulloх (с.а.в.) айтган сўзларнинг хаммасини кўриб чикиб, ёзиб боргин, чунки мен уламоларнинг вафотидан сўнг илмнинг йўк бўлиб кетишидан кўркаяпман. Факат Расулulloх хадислари қабул килинсин! Уламолар илм ўргатишга, илм таркатишга киришсинлар, билмаганларга ўргатсинлар, зеро илм сир тутилмас экан, халокатга учрамайди!”

100-хадис. Абдуллох ибн Амр: “Расулulloх (с.а.в.)нинг “Аллох таоло илмни бандалардан тортиб олмайди, уни уламоларни махв қилиш йўли билан тортиб олади. Одамлар биронта хам уламо қолмаганидан динни тушунмайдиганларни ўзларига бошлиқ қилиб оладилар. Сўнг улардан сўрайдилар. Улар билмасдан фатво айтадилар. Ўзлари хам адашиб, ўзгаларни хам адаштирадилар”, деганларини эшитганман”, - деб айтган...

44-боб. Олимларга жим туриб қулоқ солишнинг маъқуллиги.

121-хадис. Расулulloх (с.а.в.) Хажжатул Вадодда турганларида Жарир ибн Абдуллохга: “Одамларни жим қилгин!” – дедилар. Сўнгра: “Мендан кейин бир-бирингизни ўлдирадиган қофирлар бўлиб кетманглар!” – деб қўшиб қўйдилар.

48-боб. Аллох таолонинг “Сизларга эса оз илм берилгандир” (“Исро” сураси, 85-оят) деган ояти қаримаси хусусида.

124-ҳадис. *Абдуллох ибн Масъуд (рз.)дан:* “Расулulloх (с.а.в.) билан Мадинанинг харобарок ерида кетаётган эдик. Расулulloх кўлларида хурмо ёгочидан килинган хасса тутиб олган эдилар. Бир тўда яхудийлар ёнидан ўтаётганимизда улардан айримлари: “У кишидан рух тўгрисида сўранглар”, - деб айтишди. Баъзилар эса: “Сўраманглар, сизлар инкор килган нарса хакида жавоб айтмайди”, - дейишди. Яна баъзилар: “Албатта сўраймиз”, - дейишди. Шулардан бири туриб: “Ё Абдулкосим, рух нима?”, - деди. Жаноб Расулulloх жим колдилар. Мен ўзимча: “У кишига вахий нозил бўлмаяпти”, - дедим. Расулulloхни яхудийлардан пана килиб (ўртада) турдим. Ўзларига келгач: **“(Эй Мухаммад!) Сиздан рух хакида сўрайдилар. Айтинг: “Рух факат Роббимнинг ишидандир”. Сизларга эса оз илм берилгандир” (“Исро” сураси, 85-оят),** - дедилар. Ал-Аъмаш: “Биздаги (нусхада) шундай ўкилади”, - деган...

51-боб. Илм ўрганишдан уялмок.

Мужохид айтганлар: “Уялган киши илм ололмайди. Уялган киши ва мутаккаббир киши илм ололмайди. Ойша онамиз айтганлар: “Аёлларнинг яхшиси ансория аёллар. Динни теран ўрганмоклари учун уларга хаё монелик килмади”.

130-ҳадис. *Умму Салама деган аёл бундай дейди:* “Умму Сулайм Расулulloх (с.а.в.)нинг хузурларига келиб: “Ё Расулulloх, Аллох таоло хакикатни айтишдан уялмайди (шунингдек, мен ҳам уялмайман). Аёл киши агар ихтилом бўлиб (булганиб) колса, гусл вожиб бўладими?” – деб сўради. Расулulloх (с.а.в.): “Агар нам (маний) чикканини кўрса”, - дедилар. Аёл юзини (уялиб) беркитди-да: “Ё Расулulloх, аёл киши ҳам ихтилом бўладими?” – деди. Расулulloх: “Ха, бўлади (аёлда ҳам маний бор), нега бола онасига ўхшайди!” – дедилар”...

131-ҳадис. *Абдуллох ибн Умардан:* “Расулulloх (с.а.в.): “Дарахтлар орасида бир дарахт бор, баргини ташламайди, у мусулмонга ўхшайди, айтинглари-чи, бу кайси дарахт?” – дедилар. Одамлар кишлокларидаги бор дарахтларни санаб чикдилар. Менинг кўнглимдан “хурмо дарахти” деган фикр ўтди. Лекин (айтишга) уялдим. Одамлар: “Ё Расулulloх, ўзингиз айтиб беринг! – дедилар. Расулulloх (с.а.в.): “У хурмо дарахтидир”, - дедилар. Мен кўнглимга келган бояги фикрни отам Умарга айтдим. Шунда отам (Умар): “Ўшанда айтганимизда эди, менга фалон-фалон ишлар насиб бўлиб, яхши бўлар эди”, - дедилар...”

52-боб. Сўрашдан ўзи уялса, биров оркали сўрашнинг жоизлиги тўғрисида.

132-хадис. *Хазрат Али (рз.) бундай ривоят киладилар:* “Мен мазийи кўп (шахвати тез) одам эдим”. Ал-Микдодга: “Расулуллох (с.а.в.)дан шахвати тезликнинг хукмини сўрагин”, - деб буюрдим. У кириб сўради. Расулуллох: “Мазий келганда тахорат олиш лозим”, - деб айтибдилар”...

“КУРЪОН ТАФСИРИ КИТОБИ”дан

“Ал-Алак“ сураси⁴

“Бир куни жаноб Расулуллох Хироъ горида⁵ эрканликларида кошларига бир фаришта келиб: “Ўкингиз!” деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: “Мен ўкиёлмайман”, — дедилар. “Шунда, — дейдилар жаноб Расулуллох, — фаришта мени ушлаб шундай каттик кисдики, хатто мен холсизланиб колдим. Кейин мени бўшатиб, яна: “Ўкингиз!” — деди. Мен: “Ўкиёлмайман”, — дедим. У мени яна ушлаб, шундай каттик кисдики, хатто мен холсизланиб колдим. Кейин мени яна бўшатиб: “Ўкингиз!” — деди. Мен яна “Ўкиёлмайман”, — дедим. У учинчи бор мени ушлаб, шундай каттик кисдики, хатто мен холсизланиб колдим. Сўнг у мени бўшатиб: “Эй Мухаммад, бутун мавжудотни яратган Парвардигорингиз номи билан ўкингиз! У инсонни лахта кондан яратди. Ўкингиз, Парвардигорингиз инсониятга калам билан ёзишни ўргатган зотдир! Ул зот инсонга унинг билмаганини ўргатди” деган оятларни ўкиди”.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бул ходисадан кўркиб, даг–даг титраган холда ортларига кайтдилар-да, Хадича онамизнинг олдиларига кириб: “Мени ўрангизлар, мени ўрангизлар!” — дедилар. Жаноб Расулуллохни кўркувлари босилгунча ўраб кўйишди. Кейин Хадичага⁶: “Эй Хадича! Менга не бўлаётир? Менга бир нарса бўлиб колмасайди, деб ўзимдан кўркдим”, —
деб

бўлган
вокеани

гапириб бердилар. Хадича: "Кўркмангиз, аксинча, хурсанд бўлингиз, Худо хаки, Аллох таоло сизни асло хор килмагай, Худо хаки, сиз кариндошларингизга окибат килгайсиз, рост гапиргайсиз, бировларнинг огирини енгил килгайсиз, йўксилларни тўйдиргайсиз, мехмондўстлик килгайсиз, эзгулик йўлида саъйу имдод айлагайсиз", — дедилар. Сўнг жаноб Расулуллохни амакиларининг ўгли Варака ибн Навфалнинг хузурига олиб бордилар. Варака жохилият замонида насроний динини қабул килган эрди. У арабча хат ёзишни ҳам билар, Аллох таоло муяссар этганича Инжилдан арабчага кўчириб ёзар эрди. Ўзи қари киши бўлиб, кўзи ожиз киши эрди. Хадича онамиз унга: "Эй амаки, биродарингиз ўглининг сўзига кулок солингиз!" — дедилар. Варака: "Эй жияним, неларни кўрдингиз?" — деб жаноб Расулуллохдан сўради. Пайгамбар алайхиссалом кўрган нарсаларининг хабарини бердилар. Варака: "Бу Номус (яъни, Ҳазрат Жаброил) бўлиб, Мусога ҳам вахий бирлан туширилган фариштадир. Кошқийди, шу пайтда менинг ёшлигим бўлса, кошқийди, мен хаёт бўлсам!" — деди. Кейин яна баъзи гапларни ҳам айтди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: "Кавмим мени хайдаб чиқаргайми?" - деб сўрадилар. Варака: "Ҳа, шундай, аммо бирор киши сиз келтирган нарса бирлан (пайгамбарлик бирлан) келмаган, гар келса, кийноққа солинган бўлур эди. Агар сизнинг кунларингизда мен тирик бўлсам, сизга катта ёрдам берган бўлур эдим", — деди. Лекин кўп ўтмай Варака вафот этди. Кейин бирмунча вақт жаноб Расулуллохга вахий келмай кўйди. Ул зот бундан хайика бошладилар"

Аллох таолонинг қавли: "Аллох инсонни лахта қондан яратди".

Оиша⁷ розияллоху анҳа айтадилар: "Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга биринчи бўлиб нозил бўлган вахий рост (чин) тушлар эди. Кейин ул зотнинг хузурларига фаришта келиб: "Сизни яратган парвардигорингизнинг номи бирлан ўқингиз, у инсонни лахта қондан яратган зотдир, ўқингиз, улуг раббингиз инсонга қалам бирлан илм ўргатди", - деган оятни вахий қилди".

"КУРЪОН ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАКИДА»⁸ китобидан

2-боб. Қуръоннинг Қурайш аҳли тилида⁹

араб тилида нозил килинганлиги хакида

“Усмон¹⁰ розияллоху анху Зайд ибн Собит¹¹, Саъид ибн ал-Ос¹², Абдуллох ибн аз-Зубайр¹³

ва Абдуррахмон ибн ал- Харсга

¹⁴

Куръон сураларини мусхафларга кўчирмокни амр килдилар ва: “Агар сизлар Зайд ибн Собит бирлан Куръоннинг бирор арабча сўзида ихтилоф килиб колсангизлар, (уни ўзгартирмай) курайш ахли тилида ёзаверингизлар, чунки Куръон уларнинг тилида нозил килинган”, — дедилар. Улар шундай килишди”.

“Савфон ибн Яълонинг хабар беришларига караганда, ул киши: “Кошкийди, мен Расулуллохга вахий нозил бўлаётганини кўрсам!” — деб орзу килур эрканлар. Вактики, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Жиърона деган жойда эрдилар, ул зотнинг тепаларига соя килсин учун бир либос тўсиб кўйилган эрди, ёнларида сахобалари хам бор эрдилар. Шул пайт ўзига хушбўйликлар сепиб олган бир одам келиб: “Ё Расулуллох, бир одам чакмон кийиб, эхром богласаю, кейин ўзига хушбўйликлар сепса, бўлурми?” — деб сўради. Пайгамбар алайхиссалом бир соатча вахий келмогини кутдилар, сўнг ул зотга вахий келди. Шунда Умар¹⁵ розияллоху анху Яълога: “Кел”, — деб ишора килдилар. Яъло келиб, бошларини жаноб Расулуллохга соя килиб турган либос остига тикдилар-да, жаноб Расулуллохнинг юзлари кизариб кетганини кўрдилар. Ул зот яна бирмунча вақт хириллаган холда ётдилар, сўнг вахийдан фориғ бўлдилар-да: “Хозиргина менга умра тўгрисида савол берган киши каерда?” — деб сўрадилар. Савол берган киши кидириб топиб келтирилди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам унга: “Ўзингга сепган хушбўйликни уч марта ювиб ташла, сўнг чакмонингни ечгил-да, хажингга кандай эхром богласанг, умрангга хам шундай эхром боглагил!” — дедилар”.

”Бакара“ сурасининг¹⁶ фазилати

24-боб. Куръоннинг канчаси ўқилса, кифоя килур?

Аллох таолонинг кавли: "Куръондан Аллох муяссар килганча ўқингизлар!" Ибн Шибрима айтадилар: "Мен: "Киши намозда Куръоннинг канчасини ўқиса, кифоя килгай?" – деб фикр килдим. Куръон суралари ичидан уч оятли ("Ал-Кавсар") сурасидан кичигини топмадим. Шунда: "Демак, уч оятдан кам ўқиш мумкин эрмас", — дедим".

Алкама¹⁷ ривоят киладилар: "Мен Абу Масъудни Байтуллохни тавоф килаётганларида учратиб колдим. Шунда ул киши жаноб Расулуллохнинг "Кимки кечаси "Бакара" сурасининг охирги икки оятини ўқиса, унга кифоя килур" деган хадисларини зикр килдилар".

Абдуллох ибн Умар¹⁸ ривоят киладилар: "Отам мени тагли-тахтли бир аёлга уйлаб кўйдилар. Кейин отам келиндан хол-ахвол сўраб, менинг хусусимда ҳам суриштирибдилар. Шунда келин: "Эркаклар орасида жуда ажойиблар, лекин хануз менинг тўшагимда ётганлари йўқ, хатто мен бирлан таом ҳам емадиларки, хожатхонага чикай десалар, мен келганимдан буён ахвол шу!"—деб жавоб берибди. Отам келиннинг шикояти кўпайиб кетгандан кейин бул ҳақда Пайгамбар алайхи ва салламга зикр килибдилар. Расулуллох соллалоҳу алайхи ва саллам: "Хузуримга юборингиз!"—дебдилар. Мен жаноб Расулуллоҳга учрадим. Расулуллох соллалоҳу алайхи ва саллам: "Рўзани қандай тутаётирсан?"—деб сўрадилар. Мен: "Хар куни" – дедим. Ул зот: "Канчада хатм килаётирсан?" – дедилар. Мен: "Хар кеча", – дедим. Ул зот: "Хар ой уч кун рўза тутгил, хар ой бир хатм килгил!" – дедилар. Мен: "Эй Аллохнинг расули, мен бундан кўпрогига кодирман!" – дедим.

Жаноб

Расулуллох:

"Ундай

эrsa, бир жумада (хафтасига) уч кун рўза тутгил!" — дедилар. Мен яна: "Бундан кўпрогига ҳам кодирман", — дедим. Жаноб Расулуллох: "Бўлмаса, икки кун огиз очиб, бир кун рўза тутгил!" – дедилар. Мен: "Бундан кўпрогига кодирман", – дедим. Расулуллох соллалоҳу алайхи ва саллам: "Ундай эrsa, рўзанинг афзалини – Довуд алайхи ва салламнинг рўзаларини тутгил, яъни бир кун рўза тутгил, бир кун огиз очгил, хар етти кунда бир хатм килгил!" – дедилар. Кошкийди, жаноб Расулуллохнинг насихатларини кабул килган бўлсам! Мана, энди каридим, кувватдан кетдим".

Айтишларича, Абдуллох хар куни кундузи Куръоннинг еттидан бир кисмини ўз ахлларида бирига ўқиб берар эрканлар. Буни кечаси ўзларига осон бўлсин учун килар эрканлар. Озгина кувватланиб олмокни истасалар, бир неча кун рўза тутмас, кейин эrsa рўза тутмаган кунларининг микдорича яна рўза тутар эрканлар, чунки жаноб Расулуллохнинг тавсияларига зид иш килиб кўймоқдан кўркар эрканлар. "Баъзилар уч

кунда, баъзилар беш кунда, кўпчилик эрса, етти кунда хатм килар эрди“, – дейишади...

27–боб. Дилингизни (хаёлингизни) бир жойга йигиб Куръон ўқингиз!

Жундуб ибн Абдуллох ривоят киладилар: ”Пайгамбар алайхиссалом: ”Дилингизни жамлаб Куръон ўқингиз, агар дилингиз фаромуш бўлса, туриб кетингиз!“ – дедилар“.

Абдуллохдан накл килинадики, ул киши бир одамнинг кироатини эшитиб колдилар.
Абдуллох ўшал одам кироат килган сурани жаноб
Расулуллохдан ўрганиб, бошқача услубда кироат килур эрдилар. ”Мен ўшал одамни
кўлидан ушлаб жаноб
Расулуллохнинг кошларига олиб бордим, – дейдилар Абдуллох, – оунда ул зот:
”Икковингиз хам чиройли ўкиётирсиз, шундай ўкийверинглар!“ – дедилар. Агар
янглишмасам, ул зот яна: ”Сизлардан илгариги кавм ихтилоф килган эрди, ихтилофлари
уларни халок килди“, – деб хам айтдилар.